

## ТИЛШУНОСЛИКДА ЭМОЦИЯЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ ЛЕКСИК БИРЛИКЛАРНИНГ КОНЦЕПТЛАРГА АЙЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ.

Д.Б. Тургунов

*Анджон давлат чет тиллари институти.*

**Аннотация:** Мақолада тилшуносликда ҳиссиётларнинг алоҳида тил ҳодисаси сифатида ўрганилиши, тавсифи ва таснифига доир тадқиқотлар таҳлил қилинади ва уларнинг лексик ифодадан концептуал ифодага айланиши тамойиллари ва сабаблари борасида сўз юритилади. Эмоционал ифодаларнинг алоҳида концепт эканлиги хулоса қилинади.

**Калит сўзлар:** *эмоционал маъно, ҳиссий категориялар, ижтимоий хулқ-ахлоқ, эмосема, эмоционал кодлаш.*

Тилшуносликда ҳиссиётлар инсон фаолияти жараёнидаги функционал жиҳатлари психоллингвистика соҳасида қисман ўрганилган бўлсада, уларнинг психологик хусусиятларини ҳам қамраб олувчи универсал назарияси ва таснифланиши ишлаб чиқилган эмас. Рус олими Б.И.Додонов каби айрим олимлар “ҳиссиётларнинг универсал назариясининг яратилиши имкони йўқлиги” таъкидлашади<sup>7</sup>. Ваҳоланки ҳозирда на психологияда ва на физиологияда эмоцияларнинг умумий миқдори борасида яқдил фикрга келинмаган бўлиб, айрим тадқиқотларда улар беш юздан ортиқ эмоцияларни санаб ўтилган. Қолаверса ҳиссиётларнинг тафаккур ва фикрлашнинг муҳим компоненти эканлиги, маълум бир лингвомаданият доирасида универсал категория шаклида қўлланиши боис уларни лингвокультурология бирлиги сифатида таҳлил қилишга қизиқиш кучайиб бормоқда. Бу ҳолда эмоциялар тилнинг ички табиатидан келиб чиқадиган(имманент) ҳодиса эканлиги намоён этади<sup>8</sup>.

Демак, ҳиссиётлар тил билан бир пайтда шакланган ҳодиса бўлса, нутқ жараёнида актуаллашиши қандай қонуниятларга бўйсунishi борасида ҳам турли қарашлар илгари сурилган. Жумладан Ю.Д.Апресян талқинига кўра “ҳиссиётлар инсон тилининг ифодалилигини намоён қилувчи тизим” бўлиб, уларнинг лисоний ифодаланиши қуйидаги босқичларни босиб ўтади<sup>9</sup>.

1- уйғотувчи сабаб – одатда нарса-ҳодисалардан жисмоний таъсир ёки ментал мушоҳада орқали таъсирланиш.

2- бевосита эмоционал таъсир– нарса-ҳодисаларни онг воситасида баҳолаш ёки белгилаш.

3-ҳиссиётнинг пайдо бўлиши – субъектнинг интеллектуал жиҳатлари ёки шахсий кечинмалари асосида таъсирни баҳолаш.

<sup>7</sup> Додонов Б.И. Классификация эмоций при исследовании эмоциональной направленности личности. - "Вопросы психологии", 1975, № 6, с. 16

<sup>8</sup> Шаховский В.И. Категоризация эмоций в лексико-семантической системе языка: моногр. Воронеж: Воронеж. гос. ун-т, 1987. С-36-38.

<sup>9</sup> Апресян Ю. Д., Апресян В. Ю. Метафора в семантическом представлении эмоции // Апресян Ю. Д. Избр. тр. : в 2 т. М. : Языки рус. культуры, 1995. Т. 2. - с. 52.

4- ҳиссиётларнинг ташқи белгиларининг намоён бўлиши – кўрсатилган ҳиссий таъсирдан иборат бўлган назорат қилинмайдиган физиологик реакция бўлиб, ҳам вербал ҳам новербал усулда намоён бўлиши, репициентнинг интеллектуал баҳосини ҳам ифода қилади.

Ю.Д. Аспресян таъкидлашича “ҳиссиётлар қуйидаги хусусиятларга эга” бўладилар<sup>10</sup>:

- турли ҳиссиётларнинг мазмунида кечинмаларнинг улуши ва улар билан боғлиқ ментал баҳолаш турлича бўлади. Баъзан кечинмалар устун бўлса, бошқа ҳолларда баҳолаш (илк кечинмалар бошқа жонзотларда бўлгани каби биологик асосга эга бўлади, иккиламчи ҳолларда фақатгина инсонларга хос шаклда маданийлашган кўринишда) устивор саналади.

- ҳиссиётлар бир-бирларидан интенсивлик ва кечинмаларнинг таъсир кучи каби белгилари билан фарқланадилар. Бу жиҳат уларнинг лексик бирликлари ифодасида ҳам яққол сезилади. Жумладан шодланмоқ лексик бирлигида ифода қувонмоқ дан кучлироқ бўлса, ўз навбатида қувончдан сакрамоқ бирикмасидан ундан ҳам кучлироқ бўлади.

- ҳиссиётлар ифодаси нафақат лексик воситалар орқали семантик ифодалар билангина эмас, балки юз мимикаси ва тана ҳаракатлари каби ташқи ифодаларга ҳам эга бўлади. Бу хусусият айниқса шодланиш, ҳайратланиш, ғазабдан қутуриш каби ҳиссиётларнинг нутқ бирликлари доирасидаги ифодалари билан тўлиқ акс эттириб бўлмаслиги, уларнинг ҳақиқий интенсивлиги нутқнинг ташқи ифодаларининг ҳам актуаллашувини талаб қилишида яққол сезилади.

- ҳиссиётларнинг фаоллашувида субъектив эмоционал баҳолаш, бошқача қилиб айтганда салбий (нафрат, қайғу, ғазаб, қўрқув) ёки ижобий(муҳаббат, қувонч, бахт) ҳиссиётларга ажратилиши энг муҳим аспект ҳисобланади. Ўз навбатида бу икки белгига мос келмайдиган бошқа бир ҳиссиётлар ёки мавҳумлашувни ифода этувчи таъсирлар ҳиссиётлар қаторига киритилмайди<sup>11</sup>.

Инсон ҳиссиётларини ушбу категориялар асосида таснифлаш илк даврларда психология соҳасида пайдо бўлиб, инсон характер хусусиятлари, ижтимоий хулқ-атвор белгилари каби факторлар таъсиридаги бирёқлама жиҳатга эга бўлишига қарамай, шахсият тили воситасида тилшуносликка ҳам тадбиқ қилина бошлади. Жумладан В.И.Шаховский тадқиқотларида ҳиссиётларнинг инсон характери шаклланиши ва тафаккур орқали борлиқни англашдаги функцияси юзасидан “... бизни ўраб турган борлиқ объект ҳисобланса, уни тасвирлай оладиган субъект инсондир. Инсон борлиқни механик тарзда эмас балки ўзигагина зарур бўлган нарсаларни ажратиб олган ҳолда шуур орқали ифода қилишини” ва улар эса “борлиқ ва унинг идроки ўртасидаги муҳим алоқа воситаси вазифасида уларни бошқаради ва атрофдаги нарсаларнинг инсон учун зарурат даражасини акс эттиради” деган фикрларни

<sup>10</sup> Аспресян Ю. Д., Аспресян В. Ю. Метафора в семантическом представлении эмоции // Аспресян Ю. Д. Избр. тр. : в 2 т. М. : Языки рус. культуры, 1995. Т. 2. – с. 44.

<sup>11</sup> Аспресян Ю. Д., Аспресян В. Ю. Метафора в семантическом представлении эмоции // Аспресян Ю. Д. Избр. тр. : в 2 т. М. : Языки рус. культуры, 1995. Т. 2. - с. 61

билдирган эди<sup>12</sup>. Ҳиссиётларни ифодаловчи бирликлар, бошқача қилиб айтганда “эмотив”лар, тилшуносликда анъанавий тарзда улар семантикасидаги ҳиссиётларнинг кўлами(объём) бўйича асабий(аффектив), алоқадорлик(коннотатив), майдоний (потенциатив) категориялаштирилади. Бундан ташқари В.И.Шаховский уларни “мавжудлик шакли(модус) бўйича нутқий ва лисоний кўринишида” ҳамда “эксплицит ёки имплицит усулларда ифодаланадиган эмотив семантика тури”га кўра ҳам таснифлашни таъкидлаган эди<sup>13</sup>. Ҳиссиётларнинг онгда тўпланиши шаклланган туйғуларнинг сўзлар семантикаси воситасида психик механизмлар орқали тасвирланиши натижасида юз беради. Ўз навбатида ҳиссиётлар юзага келтирувчи кечинмалар маълум бир лексик бирликлар семантикаси компоненти мазмуни орқали турли типларга ажратилади ва шу сўзлар коди билан белгиланади<sup>14</sup>. Шу сабабли турли шахсият тилларида бир ҳиссиётнинг ўзи турлича ҳолда ижобий ёки салбий типга таснифланиши кузатилади. Шунга кўра ҳиссиётларни сўз орқали онгда “сақланувчи” фикр сифатида баҳолашимиз мумкин бўлиб, бу кишиларда шу ҳиссиётлар такрорланганида “шаклланади”ган ва “кенгаювчи” фикрни юзага келтиради деб ҳисоблашимизга асос бўлади<sup>15</sup>.

Ҳиссиётлар билан боғлиқ тушунчаларни лингвокультурологик парадигмалари борасида гап кетганида эмоцияларнинг лисоний ифодаланишининг маданий манзараси масалалари назарда тутилиши олимлар томонидан эътироф этилган. Шунга кўра маълум бир маданият доирасида ҳиссиётлар билан боғлиқ тасвирий ифодалар ва уларнинг актуаллашув вазиятлари ва “номинацияси” тил жамоаси этноси таркибидаги турли когнитив тартибда юзага келиши шу социум маданияти ва қадриятларига асосланган ҳолда рўй беради<sup>16</sup>. Бу борада эмоцияларнинг когнитив тартиби кишилар биологияси ва психикасига боғланган ҳолда универсал хусусият касб этмай, балки маълум бир этнос ва унинг миллий рефлексларига асосланган ҳолда шаклланади деган хулоса тилшуносликдаги якуний фикрга айланган. Шундай бўлсада шахсият тилига оид тил универсалиялари эмоционал тизимидаги фундаментал ҳиссиётлар ҳисобланувчи: ғазаб, қувонч, қўрқув, қайғу, нафрат ва бошқа асосий эмоциялар мазмунида кузатилади<sup>17</sup>. Бу эса шахсият тилида турли ҳиссиётларни нутқий вазиятларда намоён қилиниши ва англашилиши маълум бир ижтимоий, миллий-маданий ва этикага оид меъёрларга мосланган ҳолда бошқарилади деган хулосага олиб келади.

Юқорида билдирилган фикрлар замонавий тилшуносликнинг мулоқот лингвистикаси соҳасидаги тадқиқотлар мулоқот жараёнида ҳиссиётларнинг

<sup>12</sup> В.И. Шаховский «Категоризация эмоций в лексико-семантической системе языка», Изд. 2, испр. и доп. - Москва, RSS, 2008. - 208 с. С-154.

<sup>13</sup> Шаховский В.И. Лингвистическая теория эмоций: моногр. М.: Гнозис, 2008. - с. 5

<sup>14</sup> Тургунов Дилшодбек. (2023). Инглиз ва ўзбек тилларида “ғазаб” концептини ифода қилувчи воситалар қиёсий таҳлили. *Innovations in Technology and Science Education*, 2(16), 625–640. Retrieved from <https://humoscience.com/index.php/itse/article/view/2154>

<sup>15</sup> Шаховский В.И. Лингвистика эмоций. Обзор журнала «Вестник российского университета дружбы народов». Серия: Лингвистика (2015. № 1) // Мир русского слова. 2017. № 2. С. 108-111.

<sup>16</sup> Turgunov Dilshodbek Bakhodirovich. (2023). Features of the Concept of “Anger” in English and Uzbek Languages. *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education* (2993-2769), 1(9), 198–201. Retrieved from <http://grnjournal.us/index.php/STEM/article/view/1411>

<sup>17</sup> Тургунов Дилшодбек. (2023). Инглиз ва ўзбек тилларида “ғазаб” концептини ифода қилувчи воситалар қиёсий таҳлили. *Innovations in Technology and Science Education*, 2(16), 625–640. Retrieved from <https://humoscience.com/index.php/itse/article/view/2154>

аҳамияти, мақсади ва вазифаларини тадқиқ қилиш, агарда ҳиссиётлар ифода воситаси сифатида сўз асосий ўрин эгаллайдиган бўлса, уларнинг семантикасидаги ҳиссиётларни акс эттирувчи лингвомаданий семаларни ажратиш олиш каби кўплаб мураккаб муаммоларни ўрганишни талаб қилмоқда. Ваҳоланки мулоқот жараёнида ҳиссиётларни ифода қилиш бу – борлиқдаги бирон объектни тасвирлаш ва унга нисбатан муносабат билдиришдан иборат бўлади. Шунга кўра бу муносабат маълум бир маънода шахс концептуал базасида ўзига хос мазмунга эга бўлиб, унинг “қайта кодланиши(декодировка)” ҳам шу асосида содир бўлади. Улар ўз вақтида В.И.Шаховский тадқиқотларида “эмотив сема” атамаси билан тавсифланган бўлиб, сўзнинг семантик мазмунидаги энг кичик ҳиссий ифода сифатида таҳлил қилинган. Унинг фикрича “эмосема – семантик микрокомпонентларнинг ўзига хос тури бўлиб, сўзловчи ва репициент онгида шу сўз билан боғлиқ “кечинма” ва “туйғу”лар ифодаси” шаклида актуаллашади<sup>18</sup>.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкин-ки тилларнинг когнитив базасидаги аксарият концептларнинг манбаси ҳиссиётлар билан боғлиқ бўлиб, улар олам манзарасини англаш ва ифодалашдаги энг муҳим бирликлардан бири ҳисобланади.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Turgunov Dilshodbek Bakhodirovich. (2023). Features of the Concept of "Anger" in English and Uzbek Languages . American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769), 1(9), 198–201. Retrieved from <http://grnjournal.us/index.php/STEM/article/view/1411>

2. Апресян Ю. Д., Апресян В. Ю. Метафора в семантическом представлении эмоции // Апресян Ю. Д. Избр. тр. : в 2 т. М. : Языки рус. культуры, 1995. Т. 2.

3. В.И. Шаховский «Категоризация эмоций в лексико-семантической системе языка», Изд. 2, испр. и доп. - Москва, RSS, 2008. - 208 с. С-154.

4. Додонов Б.И.. Классификация эмоций при исследовании эмоциональной направленности личности. - "Вопросы психологии", 1975, № 6, с. 16

5. Тургунов Дилшодбек. (2023). Инглиз ва ўзбек тилларида “ғазаб” концептини ифода қилувчи воситалар қиёсий таҳлили. Innovations in Technology and Science Education, 2(16), 625–640. Retrieved from <https://humoscience.com/index.php/itse/article/view/2154>

6. Шаховский В.И. Категориальная эмоциональная ситуация в свете теории и семиотики // Речевая деятельность. Языковое сознание. Общающиеся личности: тез. докл. на XV Междунар. симпозиуме по психолингвистике и теории коммуникации. М.-Калуга, 2006. - с. 74.

<sup>18</sup> Шаховский В.И. Категориальная эмоциональная ситуация в свете теории и семиотики // Речевая деятельность. Языковое сознание. Общающиеся личности: тез. докл. на XV Междунар. симпозиуме по психолингвистике и теории коммуникации. М.-Калуга, 2006. - с. 74.

7. Шаховский В.И. Категоризация эмоций в лексико-семантической системе языка: моногр. Воронеж: Воронеж. гос. ун-т, 1987. С-36-38.

8. Шаховский В.И. Лингвистика эмоций. Обзор журнала «Вестник российского университета дружбы народов». Серия: Лингвистика (2015. № 1) // Мир русского слова. 2017. № 2. С. 108-111.

9. Шаховский В.И. Лингвистическая теория эмоций: моногр. М.: Гнозис, 2008.- с. 5